

Кўкон хони ва истеъдодли шоир Муҳаммад Саид Амир Умархон-Амирий шахсини ўрганишда, оилавий ҳаётдаги ўрни, ижодий истеъдоди тавсифи сифатида Нодира девонининг дебочасиш қабул қилиш мумкин. Бу ҳусусда ф.ф.д. М.Ш.Кодирова катор тадқиқотларида сўз юритганлар. Биз ҳам баъзи жихатлари ҳақид фикр билдириб ўтишни жоиз топдик.

Нодирабегим ўз жуфти ҳалолнинг сифатларини ўта назокат билан, шарқона одоб доирасида бирма-бир кўрсатиб ўтади ва натижада Амирий кўз ўнгимизда маънавияти ҳар жихатдан бой киши бўлиб гавдаланади. Нодира талқинларида унинг умр йўлдош бўлган кўтаринкилик, айрим муболагали ўринлар ҳам бўлиил мумкин. Бирок биз бу талқинларда икки мўътабар шахс ўртасидаги оила тарихи, ҳамқорона ижод тарихи, оилавий муҳаббат ёлқинларининг шеъриятга кўчиш тарихидан ҳабардор бўламиз.

Ҳақимхон тўранинг “Мунтахобут таворих” асарида: “Андижон ҳоқими Раҳмонқулибийнинг пардаи исматида бир кизи бор эди, исм Мохлар ойим эрди. Амир Олимхон хохладиким, ул муҳаддарани Амир Умархонни никоҳига киргузса...” ва шундай бўлди ҳам.

“Амир Умархон ба чанд кун айшу ишратга машғул бўлди, ба чанд вақтдан сўнг фарзанди муштари саодат вужудга келди, ул Шахзоданинг исмини Муҳаммад Алихон кўйдилар...”

“Айшу ишрат” сўзларини бу ўринда ўзининг туб маъносида эмас, осойишга, самимий, тинч оилага ҳос тавсиф сифатида қўлланилганини ҳисобга олсак, Нодиранинг ўз девони дебочасида битган изхори диллари нечоғлик ҳақ эканлиги кўринади.

Шоира ўз холини баён этади: “Фирок ошубидин ошуфта хотир ва хижрон аламиндин кўнгилда ҳавотирдур”. Чунки, унинг умр йўлдоши Амир Умархон жуда эрта - навқирон ёшида вафот этади. Улар ҳаётида эслашга арзигулик ҳуш онлар бўлганки, Нодира уларни доимо армон билан ёдлайди. Унинг хотираларидан Амирий оилапарвар, самимий инсон сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Нодира:

Эй ҳуш ул кунларки, васл базмида масрур эдим,

Шоду хуррам давлати дийдорига мағрур эдим...

Бўлиб адлидин ёлни осойиши,

Анинг давлати эрди эл хоҳиши.

Амири жаҳонким менга ёр эди,

Анинг бирла ҳуш давлатим бор эди... дея эслайди. Амирийнинг “латойиф шоир

табиатлари” туфайли Нодира билан ўртасида ўта назокатли ва дилкаш сухбатлар, хаёт, салтанат ва оиланинг турфа масалаларига дахлдор мувохасалар фчганлиги дебочада кайта-кайта уктирилади. Айни пайтда Нодира Амирийни ўз устози, шеъриятда маслахатгўйи сифатида ҳам хурмат билан тилга олади: “Ас-сухбату муассиратун” (бир-бирига таъсир этувчи ёкимли сухбат) натижаси бирла кам-кам шеър конунидин хабардор бўлур, гоҳо бирор мисраъ ва гоҳо бирор байт таклид айтур эрдим. Хазрат баъзи нуксонларига ислох бериб, мавзун ва мурассаъ килур эрдилар. То андак фурсатда ашъор коидаларига мувосанат пайдо килдим, то назм фунунига мохир ва мазмун сеҳрида сохир йўлдим”.

Шоир икки ўртада кечган мушоираларни ҳам кейинча: “Гоҳо ул хазрат баъзи тоза мазмунлардин бир мисра бирла савол тарикасида сўрар эридлар, филфавр охири мисраъ бирла жавоб айтур эрдим ва табиатларини хуш килур эрдим... Бу тарика мазмунлар бирла кўнгулларига фарах етказур эрдим, мундог матойиф ва назокийлар бирла рўзгори давлат ва салтанат хуш кечар эрди”.

Бу мустахам оилавий хаётга, унинг шодком онларига ўлим хажр риштасини солади. Нодиранинг жудолик фироқномаларила Амирийнинг ҳамма эзгу сифатлари акс этган деб айтиш мумкин. Нодира мотам кунларидаги йиги усулида уларни бирма-бир каламга олади. Улар шоиранинг шеърларига ҳам тўла кўчиб кирган:

Васл уйин обод килдим, бузди хижрон окибат,

Сели гамдин бу иморат бўлди вайрон окибат... ёки, машхур газалларидан бўлган “Тушумда курсам эди” радифли шеърида изтиробу ўтмиши тилга олинади:

Чу даври рохатим ўтти, зихи саодат эди,

Муроди жону танимни тушумда кўрсам эди...

Нетонгки, шоиранинг “кўз очмайин гамида” кунлари ўтса-да тушларига кириб бормайди. Ёзал мактаъсида кумсашнинг энг юкори чўккиси намоён бўлади:

Фироқ, Комила, кўнглимга доғлар кўйди,

Амири сафшиканимни тушумда кўрсам эди.

Анъанавий ташбехлар аник инсон шахсини ёритишга бўйсунди Юкоридаги газалда кўлланган “нигори гулбадан”, “лаби шакаршикан”, “ёри сиймтан”, “юзи гул”, “кади шамшод”, “кўзлар: наргис”, “нигохи сеҳр фан”, “оразии чаман” каби ифодаларда ва айникса мактаъдаги “Амири сафшикан” ифодаси хаёлий гўзал сиймо анъанавий ёр эмас, айнан Амирийнинг тасвири сифатида кўзга ташланади.

Амирий хакидаги юкорида келтирилган таърифлару жудолик охангларида Нодира нафакат вафоли ёр, айни пайтда оила аталмиш мукаддас маъводан коникишни туя билган калб, инсон дардини шеъриятга махорат билан сингдира олган шоира сифатида

хам намоён бўлади. Нодира девонида Амирий шахсиятини характерловчи сатрлар кўп ва улардаги гоёларни илдизи албатта оилага келиб такалади. Шу жараёнда Амирийни янада аниқроқ тасаввур кила бошлаймиз. Унинг ижод оламига ҳам чуқурроқ кириб борамиз.

ЗЕБО КОБИЛОВА